

16-DEKABR

2022



Toshkent tibbiyot
akademiyasi



O'zbekiston Respublikasi
Sog'liqni saqlash vazirligi

Abu Rayhon Beruniy ilmiy-madaniy merosining ahamiyati va uning fan taraqqiyotidagi o'rni

Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi

Google Scholar indexed



Toshkent tibbiyot akademiyasi

www.tma.uz

O'zbekiston Respublikasi
Sog'liqni saqlash vazirligi

www.ssv.uz

Mazkur to‘plamda Toshkent tibbiyot akademiyasining “Abu Rayhon Beruniy ilmiy-madaniy merosining ahamiyati va uning fan taraqqiyotidagi o‘rni” mavzusida Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni va sifatiga muallif(lar) javobgar hisoblanadi.

Toshkent - 2022

Tahrir hay'ati

Shadmanov Alisher Kayumovich

Rektor, Tashkiliy qo'mita raisi

Bobomuratov Turdiqul Akramovich

*Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy
ishlar bo'yicha prorektor*

Azizova Feruza Lyutpillaeva

*Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha
prorektor*

Norqulov Suxrob Dosmurodovich

Ijtimoiy fanlar kafedrasи mudiri

Xudoyqulova Gulnora Karimovna

Jamoat salomatligi kafedrasи mudiri

Alimova Saboxat Gazievna

Ijtimoiy fanlar kafedrasи dotsenti

Umarova Farida Saidikramovna

*Ijtimoiy fanlar kafedrasи katta
o'qituvchisi*

Muyassarova Muxabbat

*Jamoat salomatligi kafedrasи katta
o'qituvchisi*

Muxamaddievna

*Ijtimoiy fanlar kafedrasи
professori*

Abilov Ural Murodovich

Ijtimoiy fanlar kafedrasи professori

Norkulov Do'smurod Toshpo'latovich

Ijtimoiy fanlar kafedrasи dotsenti

Iskandarov Sherzod Abdug'aniyevich

*Iqtidorli talabalar bilan ishlash bo'limi
xodimi*

Nurbayeva Xabiba Botirovna

Moderatorlar

Alimova Saboxat Gazievna

Ijtimoiy fanlar kafedrasи dotsenti

Nurbayeva Xabiba Botirovna

*Iqtidorli talabalar bilan ishlash bo'limi
xodimi*

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ “ҲИНДИСТОН” АСАРИ НОЁБ ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА

Очил Бўриев

Қарши давлат университети профессори

Шерзод Искандаров

Тошкент тиббиёт академияси доценти

Асилбек Хўжаёров

Қарши давлат университети тадқиқотчиси

“Ҳали дунёда хеч ким хинд халқини,
унинг қадим ва бой маданиятини
Берунийчалик тарғиб қилмаган.

Бинобарин, хинд халқи бир жамоа,
унинг дўсти Абу Райхон Беруний ҳам бор.
Биз ҳамиша унинг илғор тафаккури олдида бош эгамиз”

Махатма Ганди

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўрта Осиё қомусий олими Абу Райхон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарининг ноёб этнографик манба эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: Абу Райхон Беруний, “Ҳиндистон” асари, тарих, Маҳмуд Фазнавий, хиндлар, Нандна қалъаси, этнографик асар, урф-одатлар, маросимлар, турклар.

Ўрта Осиёning қалби ҳисобланган Ўзбекистонда миллий маънавий меросимизни ўрганиш ва халқимизга етказиш мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Айниқса, IX – XII асрлар Биринчи Ренессанс (Үйғониш) даври буюк алломаларининг илмий – маънавий меросини ўрганиш Янги Ўзбекистонда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

IX – XII асрлар Биринчи Ренессанс – “Олтин давр”да яшаган жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган буюк

мутафаккир ва қомусий олим Абу Райхон Беруний (973 – 1048) илмий – маънавий меросини ўрганиш жаҳон миқёсидаги устувор вазифага айланди.

Ўрта Осиёning буюк мутафаккири ва қомусий олими Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний Маҳмуд Газнавий саройида ҳам ўзининг илмий изланишларини асло тұхтатмаган. Подшоҳ Маҳмуднинг Ҳиндистонга юриши даврида тўпланган бой маълумотлар асосида 1030 йилда 80 бобдан иборат энг салмоқли асарларидан бири “Ҳиндистон” китобини яратди¹. Асарнинг тўлиқ номи “Таҳқиқ мо лил хинд мин маъқула мақбула фи-л ақл ва марзула” (“Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сифмайдиган таълимотларини англаш”) бўлиб, бу ном анча узун бўлғанлиги сабабли айтишга кулайлик туғдириш учун “Таҳқиқу молил Ҳинд” (“Ҳиндистонга таҳқиқлар”) ёки оддийгина “Ҳиндистон” деб ҳам юритилади. Берунийнинг бу асари ўрта асрдаги хинд маданиятини ўрганиш учун тенгги йўқ дурдона ва бебаҳо хазина хисобланади, дейиш мумкин².

Бу асарни йигирма йил давомида илмий жиҳатдан текширган Э.Захау 1887 йили Лондонда арабча матнини ва 1888 йилда инглизча таржимасини нашр эттирган³. Шундан сўнг Берунийнинг бу асари олимлар орасида кенг тарқалиб кетган. Э.Захау нашр этган арабча танқидий матни кейинчалик Узбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида тайёрланган русча ва ўзбекча таржимага асос бўлди. Бу асарнинг арабча матни 1958 йили Ҳайдарободда таниқли олим Муҳаммад Низомиддин томонидан янгидан нашр эттирилди.

Ушбу китобнинг ниҳоятда қадрли бўлиши, шухрат топиши ва муаллифга кўплаб таҳсинлар келтиришининг сабаби, аввало, Берунийнинг илм-фан, маърифат йўлига сабит қадам билан қаттиқ киришгани бўлса, колаверса, бу асарни олимнинг илм йўлида анча пишиб етилган, дунёқараши маълум даражада камолотга эришган вақтда яратилгандир. Беруний ўз ҳаётининг 13 йилини бағишлиб, 44 ёшда бошлаб, 57 ёшда тугатган. Бу асарни ёзишга олим 5 – 7 йил сарфлаган бўлса керак.

¹ Бу хақда батафсил каранг: Аҳмедов А., Ҳандамова М. Ҳиндистоннинг ёзилиш даври ва сабаблари. – Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. – Ташланган асарлар. II жилд. Арабчадан А.Аҳмедов ва А.Расулов таржимаси. Сўзбоши, таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи А.Аҳмедов.

М.Ҳандамова. – Т.: “Узбекистон” НМИУ, 2022. – Б.5 – 40.

² Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1963. – Б.7.

³ Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2-нашри. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. – Б.129 – 130.

Аллома Ҳиндистонга бормасдан ва боришини хаёл қиласдан олдин, умумий бўлса-да, бу юрт ҳакида бир оз тасаввурга эга эди. У Ҳиндистон сафаригача хиндлар астрономияси билан араб тилига қилинган таржималар орқали танишгач, унда бу халкнинг фанини янада чуқурроқ эгаллаш иштиёки ҳам пайдо бўлган эди. Чунки ўша даврда араб тилида мавжуд бўлган асарлар юксак қобилият эгаси Берунийни асло қониктирмасди. Ҳинд диёрига бориб, ўша даврда халифалик тасарруфидаги ўлкаларни чуқурроқ ўрганиш орзуси уни асло тинч қўймасди.

Махмуд Ғазнавий (967 – 1030) Хоразмшоҳга хат ёзиб, Ғазнага ўз олимларини юборишни сўраганида, Ибн Сино ва Абу Саҳл Масихий каби етук алломалар Ғазнага боришдан бош тортиб, Хоразмни ташлаб кетган. Беруний эса Ғазнага боришга кўнган ва дархол у ерга жўнаган эди, чунки бу даврда Султон Махмуд бир неча марта Ҳинд ўлкасига юриш қилган, бу ҳудудлар унинг кўл остига ўтган эди.

Беруний Султон Махмуд даргоҳида илмий иш билан шуғулланиш қийинлигини билган эди, аммо шароит ва имконият қандай бўлмасин, илм-фан, маърифат йўлида фурсатни қўлдан чиқармаслик кераклигини яхши тушунган.

Аллома олимлар аҳволига ниҳоятда ачиниб, алам билан ўз замонидан шикоят қилган, илмий билим ва янги кашфиётларга йўл, шароит йўклигини таассуф билан ёзган эди: “Илмлар кўпdir. Улар замона иқболи бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, улар кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. Айниқса, ҳукмон қишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмоннинг шундай қилиши, дунёвий ишлар билан банд бўлиб қолган киши қалбларини турли илмлар билан шуғулланиш учун бўшатиб қўяди. Ҳукмоннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак одамларнинг қалби буни севиш учун ва бу нинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир.

Лекин замонамиз, айтиб ўтилганидай, яхши замон эмас, балки унинг тескарисичадир. Шундай замон ва шароитда яшаш мажбурий бўлгандан кейин, қачон илм юзага чикади ёки юзага чиққани қачон ривож топади? Бизнинг замонамизда мавжуд бўлган барча илм, ўша тасвирланган даврлардагина бўлган, қадимги замон билимларининг қолдиқлари ва оковаларидир”.

Олимнинг Ҳиндистон ҳақида ёзганлари ҳинд манбаларини чукур ўрганиши ва ўзининг шахсий кузатишларининг натижасидир. У асарига ҳар бир лавҳани киритганида ва уни ҳикоя қилганида жуда эҳтиёткорона, кайси манбадан олганини, эшитган кишисини, унинг ишончли ё ишончсиз шахслигини зикр қилиш билан келтириб, фикр-мулоҳазаларини берган.

Алломанинг Ҳиндистонда илмий ишлардан ташқари яна нималар билан шуғуллангани, давлат расмий ишлари билан банд бўлганми ё йўқми – булар бизга аниқ эмас.

Бу асарни инглизча таржимаси билан арабча матнини нашр қилган немис шарқшуноси Э.Захаунинг фикрича, аллома бу асарини 1030 йил 30 апрелдан – 1031 йил 19 декабргача ёзган. Агар Берунийнинг Хоразмдан Ғазнага келган 1017 йилини асарни ёзишга тайёргарлик йили деб олинса, унда Беруний бу китобига 13 йил – 1017 йил охиридан то 1030 йил априлигача маълумот тўплаган, меҳнат қилган, нихоят “Ҳиндистон” асари юзага келган.

Беруний Ҳиндистон билан 30 йил шуғулланган. У Ҳиндистон сафарида кўрган-билганлари, қадимий ҳинд манбаларида мутолаа қила олганларини ва одамлардан суриштириб улгура олганларини хаммасини йифиб, салмоқли бир асар ҳолига келтирган. Унинг фикр-мулоҳазалари, ўткир мантиқий хulosалари киши ақлини ҳайрон қолдирада дикқатга сазовор эди.

Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонга қилган юришларида Беруний хукмдорга ҳамроҳ бўлган. Гарчи олимнинг Ҳиндистонда қачон ва қандай яшагани аниқ бўлмаса-да, Хоразмдан олиб кетилгандан кейин бироз вақт Ҳиндистоннинг шимолидаги Нандна қалъасила яшагани маълум. Алломанинг 48 ёшида Ҳиндистонда санскрит тилини пухта ўрганиши унинг ҳинд маданияти, адабиёти ва Ҳиндистоннинг ўша давр олимлари билан яқиндан танишишига ҳамда мамлакат ҳақида муҳташам асар яратишга имкон берган. Асар ҳажми жиҳатидан жуда салмоқли булиб, унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фандар, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, фалсафа, дин, тарихий – диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар маълум. Ҳозиргм замон Ҳиндистон олимлари Берунийнинг бу асарини ҳинд маданияти тарихини ёритиш нуқтаи назаридан жуда юқори баҳолайди ва муҳим манбалардан бири деб ҳисоблади. Уларнинг таъкидлашича, аллома асарида бизгача етиб келмаган санскритча ёзилган кўпгина манбалардан унумли фойдаланган.

Берунийнинг Ҳиндистон тарихи билан шуғулланиши бежиз эмас эди, чунки Шарқдаги кўп мутафаккирлар математика, астрономия, география фани, маданияти ва

унинг тарихи билан кўп қизиққанлар. Беруний хинд фани ва маданиятини чуқур ўрганиб, шу даража катта муваффакиятга эришганки, ҳатто, ҳозирги даврда ҳиндларнинг ўзлари ҳам унинг бу қадар ақл-заковатига, сабр-матонатига қойил қолишади⁴.

Олим ҳиндларга ҳурмат ва эҳтиром билан қараганлиги учун ҳам у Ҳиндистонга бориши биланоқ қадимги ҳинд тили – санскритни ўрганиб, шу тилндан манбалардан кенг фойдаланган. Ушбу тилда ёзилган тарихий асарлар мутафаккирнинг диққат назаридан ўтган ва замонасининг ҳеч қайси олимлари эриша олмаган ютуқлар унга мұяссар бўлган. Беруний Ҳиндистон ҳақида гапирад экан, ҳар бир нарсани зикр қилишда жуда ҳам эҳтиёткорона, ҳақконий фикр юритган, ҳар бир нарсага ақлий ва илмий холисона ёндашган.

Мутафаккир ўз китобида ҳиндларга ҳақида асл ҳақиқатни ёзганини уқтириб ўтади: “Мен бу китобда ҳиндлар сўзини ўзича ёзаман, уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун унга юнонларнинг шу хилдаги сўзларини қўшаман. Мен улар тўғрисида сўзлаганимда кўпроқ ҳикоя тариқасида сўзлайман, уларни танқид қилмайман, лекин зарурат юз берса очик-ойдин танқид қиласман”.

Алломанинг бу асари ҳақида Ҳиндистоннинг собиқ бош вазири Жаваҳарлаъ Неру “Ҳиндистоннинг кашф этилиши” асарида ёзадики: “Беруний юнон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилиш учун санскрит тилини ўргана бошлади. Беруний хинд ва юнон фалсафасини бир-бирига солишириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб, ҳайратда қолди. Берунийнинг китоби далилий материалларни қамраб олиш билан бирга, у уруш, талон-торож, оммавий қирғинлар бўлишига қарамай, фан аҳллари ўз ишларини давом эттирганликларини кўрсатиб беради. Икки орани нафрат ва худбинлик кайфиятлари бузиб турган пайтларда ҳам Беруний бегона одам бўла туриб, бу ўлка кишилари аҳволини тушуниришга ҳаракат қиласми”⁵. Неру ўз асарида ҳинд фани, маданияти, тарихи ҳақида ўзи нинг қимматли фикрларини ёзиб қолдирган мутафаккирларни ҳам ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олган.

Берунийнинг “Ҳиндистон” китоби қисқа кириш сўзи ва саксон бобдан иборат бўлиб, олим ўз асарида ҳиндлар ҳаётининг турли-туман томонларини, урф-одати, ақлий ва хиссий мавжуд нарсалар ҳақидаги тушунчалар, жон ва унинг моддага муносабати, рухнинг бир тандан бошқасига ўтиши хусусидаги

⁴ Тураев Б. Абу Райхон Беруний. – Ўзбекистон алломалар юрти. – Т.: “Маънавият”, 2010. – Б.137.

⁵ Неру Дж. Открытие Индии. – М., 1965. – С.246 – 247.

катор ақидаларга тұхталған.

Олим бу асарида ҳиндлар эътиқодича, мавжудотнинг жинсларга бўлиниши ва уларнинг аталиши, диний қонун-қоидалар, пайгамбар ва шариатлар, бутларга сифиниши ва уларнинг шакл ва турлари ҳиндларнинг диний китоблари ва бошқа нарсалар ҳақида батафсил маълумот бериб кетган. У ҳинд тарихи ва маданияти билан шугулланибгина қолмай, уларнинг ёзуви, грамматикаси, шеъриятига ҳам тұхталған. Ҳиндлардаги ҳисоб үлчов бирлиги, география, чунончи, шахар дарё, денгиз, чегаралар үртасидаги масофалар ҳам олим диққат-эътиборида бўлган.

У Ҳиндистондаги математика, астрономия каби аник фанларга катта эътибор берган. Айникса, ҳинд астрономияси, улардаги географик тушунчалар, коинотнинг тузилиши, сайёralар ҳақидаги мумтоз ҳинд ақидалари Беруний диққатини ўзига тортган. Олим бу асарида ер ва осмон тузилиши ҳақида ҳиндларнинг эътиқодини баён килар экан, улар билан бирга осмон ёритқичлари, уларнинг ҳаракати, ой манзиллари, қутб тұғрисидаги хабарлари ва ўз мулоҳазаларини ёзган.

Абу Райхон Беруний бу китобида ҳиндлар хаётининг турли-туман жиҳатлари, урф-одатлари, тарихи, фани, диний эътиқодлари, ақидалари, бутларга сифиниши, уларнинг шакл ва турлари, ҳиндларнинг диний китоблари ва үша даврда уларни қизиқтирган масалалар атрофлича баён этилган.

Асарда ҳинд тили, ёзуви, оғзаки ва ёзма ёдгорликлари, фалсафаси ва тарихи каби турли-туман қимматли маълумотлар ёритилган. Аллома ҳинд фалакиётшунослиги, Ер курраси ва унинг сатҳи ва үлчамлари, коинот ҳақидаги тушунчалари, сайёralар ҳақидаги қадимги ҳинд ақидаларига эътибор қаратган. Бу муҳташам асарда ер ва осмон тузилиши ҳақидаги ҳиндларнинг эътиқодларини баён этиш асносида улар билан бирга ёритқичлар, уларнинг ҳаракати, ой манзиллари, қутб ҳақидаги маълумотларга ҳам батафсил тұхталиб үтган.

Китобнинг бир боби сайёralарнинг үртача үрнини ҳисоблашга ажратилған бўлса, бошқа бир боби Куёш ва Ойнинг ерга нисбатан жойлашиши, уларнинг бир-биридан узоклиги, ҳажмларига багишлиланган. Асарда муаллиф ҳиндларнинг осмон ёритгичлари ва уларга оид ҳар хил эътиқод расм-руслам, одатларини баён этган. Ҳатто, у Куёш ва Ой тутилиши, денгиз сувларининг қутарилиши ва пасайиши, дунёning одамлар яшайдиган маънур қисми ҳақидаги тушунчаларга,

ҳинд астроном ва астрологларининг фикр-мулоҳазаларига ҳам имкон борича тўхтаб ўтган. Китобнинг бир неча боблари замон ва вақт, одамнинг пайдо бўлиш муддати, сутка ва қун, ой ва йилларнинг қисмлари ҳамда уларнинг турларига бағишлиланган. Бу тўғрида келтирилган фикрлардан фан тарихи билан шугулланувчи мутахассислар учун жуда бой манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Олим ҳиндларнинг қадимги саналари, тарих ва тақвимлари билан жиддий шуғулланган. У “Ҳиндистон” китобининг қирқ тўққизинчи бобида бу ҳақда қискача бўлса-да, маълумот берган. Беруний ҳиндларда тақвимнинг ҳар хиллиги, ракамлар қўплиги, уларнинг турларига ҳам тўхталган.

Олим қайси тақвимни қайси табака, ўлка ва халқ ишлатиши ҳақида фикр юритган, лекин у тарихий воқеаларнинг чалкашлиги, бу ҳақда битилган баъзи асарларнинг нотўғрилиги, кўп асарларнинг бетартиб ёзилганлиги ҳақида афсусланиб ёзган.

Беруний ўз асарининг сўнгги бир неча бобларини ҳиндларнинг муқаддас жойларини зиёрат килиш, бериладиган садақалар ва қурбонликлар, ҳалол ва ҳаром ҳисобланадиган овқат ва ичимликлар, ўзаро никоҳ, мерос бўлиш қонун-қоидалари, даъволарни ҳал қилиш йўллари, улуғ айём, баҳтли ва баҳтсиз кунлар, яхши ва ёмон “амал”лар, “тunoҳни ювиш расмлари”га бағишлиланган.

Бу асар ҳиндларнинг астрология илмида тутган йўл-йўриклари, усул-қоидалари баён этилган саксонинчи боб билан ниҳоясига етган. Бу айтиб ўтилган ҳар бир масаланинг атрофлича баён этилиши, Берунийнинг фикр доираси ниҳоятда кенг бўлганини яққол исботлайди.

Беруний “Ҳиндистон” асарида Америка қитъаси мавжудлиги тўғрисидаги фаразини келтириб, қайд этадики: “Ернинг чораги маъмурадир. Маъмурани Ғарб ва Шарқ томондан Мухит дengизи (Атлантика ва Тинч океани) ўраб турди. Бу Мухит океани, Ернинг обод қисмини дengizларнинг нариги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик ёки одам яшайдиган ерларда иккала ёқдан (Ғарб ва Шарқдан) ажратиб турди”⁶.

Демакки, Беруний ўзини қизиқтирган масалаларни синчиклаб ўрганишдан ҳеч чарчамаган, химмати баланд эди. Аллома бор вақтларини ҳеч бекор кетказмай, факат илм учун сарф қилишда қўпчиликка намуна бўладиган сиймо ҳисобланади. Щунинг учун Шарқда Берунийнинг “Ҳеч вақт қўли

⁶ Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. 2-жилд. (Ҳиндистон). Арабчадан А.Расулов, Ю.Хакимжонов, Ф.Жалолов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар А.Ирисовники. Масъул мухаррир Ф.Жалилов ва А.Ирисов. – Ташкент: “Фан”, 1965. – Б.158.

қаламсиз, кўзи назарсиз (бирор асарни мутолаа қилмаган ҳолда), боши фикрсиз бўлмаган, у доимо илм билан банд бўлган”, деган нақл кенг тарқалган эди⁷.

Муаррих Ёкут Ҳамавий ёзадики, “Деярли ҳеч қачон унинг қўлидан қалам тушмас эди, унинг қўзлари ҳамиша кузатишда ва акли доим мулоҳазалар, фикрларда, факат икки байрам куни бундан мустасно эди”.

Беруний хинд фани ва фалсафаси, тарихи ва урф-одатларини чукур ўрганар экан, уларни юонон фалсафаси ва мифологияси билан солиштирган. У Ҳиндистонни ўрганиш учун қадимги хинд тили санскрит тилини ўрганганд бўлса, икки халқ орасидаги қарашларнинг яқинлигини яна ҳам чукурроқ билиш учун барча юонон манбаларини таҳлил қилган. У биргина шу “Ҳиндистон” асарида йигирма бешдан ортиқ юононча асарлардан нақл қилган. Бу соҳани тадқиқ қилган мутахассисларнинг айтишича, олим юонон тилини ҳам мукаммал эгаллаган эди⁸.

Рус шарқшуноси академик И.Ю.Крачковский улуғ олимнинг “Ҳиндистон» асарини мутолаа қиласар экан, унинг юонон тилини билганлиги шубҳасизлигини, кейинги йиллардаги текширишлар буни ижобий ҳал қилишга асослар берганлигини кўрсатиб ўтган эди. И.Ю.Крачковский М. Мейерхофга таяниб, уни Беруний “санскрит, грек, иброний, сурёний тилларда ўкиб, ўзига керакли нарсаларни араб ҳарфи билан ёза олганини қайд қилган эди. “Ҳиндистон”да келтирилган иқтибослар бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади, чунки Гомернинг “Илиада”сининг тўла таржимаси у маҳалларда араб тилида мавжуд бўлмаган.

Беруний даврида барча халқ бир-биридан маълум табақа дин, мазҳаб билан фарқланган. Аллома ҳам ўз замонасининг фарзанди сифатида шу қарашдан чиқолмаган, албатта. У кўп масалалар юзасидан узининг холисона фикрини билдирса ҳам, халқларнинг бир-биридан узоклигини диний тафовутдан деб биларган. Унингча, диний жиҳатдан олисликлар, фарқлар мазҳабий тўқнашувлар орадаги якинликка раҳна солиб, душманликни қўзғатиб туради. Беруний ҳиндалар динини танқид қиласар экан, ислом дини ҳам ундан четда қолмайди, ҳиндаларнинг салбий феъл-атворларини ёзар экан, арабу форслар, юону турклар бундан холи эмаслигини таъкидлаган. Олим бирор масалага муносабати, қарашларини билдирса, у ҳар бир масалага ақлий ёндашган ва мантикий фикр юритган.

⁷ Ирисов А. Кўрсатилган асар. – Б.14

⁸ Аҳмедов А., Ҳандамова М. Кўрсатилган асар. – Б. 11.

Беруний “Хиндистон” асарида энг қизиқарли ва муҳим этнографик маълумотларни келтирган. Жумладан, Наврӯз байрами (203 – 204-б.) ва Йаздигард эраси тушунтирилган. “Хиндистон”да Суғд оташпастлари ҳақида фақат икки марта эслатилган: биринчи гал уларнинг космографик тасаввурлари қисқача баён қилинган (124 – 125-б.) ҳамда улардаги Синд ва Амударёнинг бошланиш ерлари ҳақидаги тасаввурлари чалкаш эканлиги таъкидланган (130-б.). Хоразм ва хоразмийлар ҳақида ажабланарли даражада жуда кам: фақатгина оғирлик ўлчами ҳақида қисқача хабар келтирилган (79-б.). Славянлар, тибетликлар ва хазарлар ҳақида шимол дарёларининг улар юртларидан ўтиши муносабати билан ёдга олинган (128-129-б.). Славянлардаги майитнинг ёндирилиши ҳақида ёзар экан, (283-б.) бу воқеани Беруний «бизнинг замон»да деб эслаган.

Бундан ташқари, Берунийнинг Кобулнинг ҳокими Барҳатекин Тибет турки эканлиги ҳақидаги (207-б.) ҳамда Хиндистоннинг ғарбидаги тоғларда афғон қабилалари яшаганлигини эслатгани жуда муҳимdir (101 – 102-б.). Турклар ҳақидаги хабарлар: Сомонийлар даврида Ғазнада турклар ҳокимиятни қўлга олдилар (11-б.); мамлакатнинг шимолий қисми ва Кашмир дан шарқдаги баъзи ерлар Хотан ва Тибет туркларига тегишли (107-б.); улар оқимтири ва эчкисоқол (126-б.); Кобулнинг ҳокими, тибетлик турк Барҳатегин қисқа олди очик кўйлак, баланд қалпоқ ва этикдан иборат туркча кийимда, қуролланган ҳолда (359-б.); Үғуз турклари чўкиб ўлган мурдасини тобутда дарёга соладилар ва унинг оёғига арқонни шундай боғлайдиларки, унинг учи сувга тушиб турсин. Чунки уларнинг эътиқодига кўра, шу арқон ёрдамида ўлганинг жони қайта тирилиш учун кўтарилади (283-б.). Шунингдек, турклар иқтибосланган хинд манбаларида ҳам эслатилади⁹.

Беруний ҳар бир халқ ҳақида эҳтиёткорона, чукур мулоҳаза юргизар эди. Унинг ҳар бир соҳадаги фикр доирасининг кенглиги, хулосаларининг пухталиги диққатни ўзига тортади. Ҳар бир сатрида холислик, ҳаққонийлик, бетарафлик мавжуд эди. Ана шунинг учун ҳам улуғ мутафаккирнинг ҳар бир асари каби унинг “Хиндистон” асари бу соҳага қизиқувчилар учун ўлмас обидадир. Беруний ўзининг бу бебаҳо асари билан ўз давридан жуда кўп замонлар ўзиб кетган.

Машҳур археолог ва этнограф С.П.Толстов уқтирганидек, “Унинг

⁹ Ахмедов А., Ҳандамова М. Ҳиндистоннинг ёзилиш даври ва сабаблари. – Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. – Танланган асарлар. II жилд.. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2022. – Б.31 – 32.

“Хиндистон тарихи” деган ажойиб асари муаллифнинг тасвир этилаётган ўлка тилини ва урф-одатларини, санскрит тилидаги тоят бой илмий адабиётни, Хиндистон географияси ва та рихини чукур билишидан далолат бериши билан бирга, тарихий-этнографик монографиянинг ажойиб намунаси хамdirки, ўрта асрлар давомида бу борада ёзилган асарлар ичida унга teng келадигани йўқ”¹⁰.

Таниқли берунийшунос олим А.Аҳмедовнинг ёзишича, “Лекин Беруний хиндарнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, маросимлари ва уларнинг характерли жиҳатларини синчковлик билан, аниқ қузатганлиги кўп тарафдан кишини ҳайратга солади. Чунки унинг бу борадаги қузатишлари кўп жиҳатдан янги даврдаги европаликларнинг қузатишларига ўхшаб кетса хам, мулоҳазалари ўзининг объективлиги, инсонпарварлиги ва ҳаққонийлиги билан улардан катта фарқ қиласди”¹¹.

Мазкур асар Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан юксак баҳоланганд. Таниқли шарқшунос олим В.В.Розен ёзадики: “Бу – ўз ҳассослиги билан ягона ёдгорлик бўлиб, на Шарқнинг ва на Ғарбнинг бутун қадимги ва ўрта асрлар адабиётида тенгги йўқдир”. Бу китобда Хиндистон халқлари тарихининг турли соҳалари – аниқ фанлар, адабиёт, фалсафа, элшунослик (этнография), демография, қонунлари ва урф-одатлари, дини, диний ривоятлари, хинд ёзувининг турлари, эътиқодлари ҳакида батафсил маълумот берилган.

Берунийнинг бу асарида ҳинд халқининг аниқ фанлардаги ютуғи, адабиёти, фалсафаси, табиий-географик манзараси ўзига хос этнографияси, урф-одатлари, диний ривоятлари ҳакида маълумотлар мавжуд. Аллома ушбу асари орқали мусулмон Шарқини ҳинд тарихи, адабиёт билан таништириб, ҳинд халқи учун катта илмий мерос қолдириди.

Демакки, буюк аллома Берунийнинг “Хиндистон” асари ўрта асрлар даврида ушбу мамлакат ҳакидаги энг қимматли ёзма манбалардан бири ҳисобланиб, ҳинд халқининг тарихи ва этнографиясига бағишлиланган ноёб асардир. Ушбу муҳташам асар ўрта асрлар Ҳиндистон бўйича келтирилган барча (тарихий, этнографик, фалсафий, географик ва бошқа) маълумотлар Беруний томонидан холисона ёртилган бўлиб, минг йиллар ўтган бўлса-да, ўз қимматини асло йўқотмаган¹².

¹⁰ Толстов С.П. Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2014. – Б.314 – 315.

¹¹ Аҳмедов А., Ҳандамова М. Кўрсатилган асар. – Б.26

¹² Ҳандамова М. Ўрта асрларда Хоразм ва Ҳиндистон илмий муносабатлари (Берунийнинг “Хиндистон” асари мисолида). – Хоразм тарихи замонавий тадқикотларда. – Тошкент – Урганч. 2019. – Б.310.

Хозиргача Берунийнинг ноёб этнографик манба ҳисобланган “Ҳиндистон” асари рус ва ўзбек тилларида “Танланган асарлар” туркумida 2 жилд бўлиб нашр этилди (1963, 1965, 2022). Бу асарларни тор соҳа олим у тадқиқотчилари яхши тушунишади, холос. Лекин, ўқувчилар, оддий китобхонлар бу асарнинг мазмунини етарлича билишмайди. Ҳаттоқи, ҳозир А.Ирисовнинг “Беруний ва Ҳиндистон” (1963) номли рисоласини излаб топа олмаймиз ҳам.

Берунийнинг камровдор “Ҳиндистон” асари кутубхона ёки китоб дўконларида ҳам мавжуд эмас. Алоҳида жилдни ҳамма ҳам дўкондан сотиб олишга қурби етмайди. Шу боисдан ушбу асар шархига бағишлиланган турли туркум кичик илмий-оммабоп рисолалар нашр эттириш лозим. Ушбу муҳташам китоб тўлақонли мазмунини бир – икки рисола ёрдамида ёритиш ҳам жуда қийин, албатта. Бу асар бўйича этнографик йўналишда ҳам илмий – оммабоп рисолалар яратиш максадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Берунийнинг “Ҳиндистон” асари рус тилида (Абу Райхан Бируни. Индия. Собр. соч. том II. Пер. А.Ю.Халидова, Ю.Завадовского. – Т.: Фан, 1963) ва ўзбек тилида (Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. II жилд. А.Расулов, Ю.Ҳакимжонов, F.Жалолов таржимаси, сўзбоши А.Ирисовники, масъул муҳаррирлар F.Жалолов, Ю.Ҳакимжонов. – Т.: “Фан”, 1965) нашр этилган эди. Кейинги даврда бу асар яна ўзбек тилида кайта босилиб, илмий жамоатчилик ва китобхонларга ҳавола килинди (Абу Райхон Беруний. Ҳиндистон. – Танланган асарлар. II жилд. Арабчадан А.Аҳмедов ва А.Расулов таржимаси. Сўзбоши, таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи А.Аҳмедов, М.Ҳандамова. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2022).

Берунийшунос олим А.Аҳмедовнинг ёзишича, Берунийнинг асарлари орасида “Ҳиндистон”га энг юқори ўринлардан бирини бериш мумкин. Муалифнинг бутун инсоният тарихидаги энг машҳур олимлардан бири эканлиги кўп жиҳатдан ана шу асарга асосланади. Бу асар ислом дунёсида Ҳиндистон ҳақида ёзилган барча асарларни анча орқада қолдирибгина эмас, балки ўзининг бошланғич тамойиллари, услуби ва баёнига кўра Ўрта асрлар Шарқий адабиётидаги энг буюк ёдгорликлардан деб ҳисобланади. Араблар сиёсий хукмронлиги даврида ёки умуман ислом дунёсида, ёки унга туташ ерларда бирор мамлакатга, унинг халқи, динига бағишлиланган асарлар орасида Беруний “Ҳиндистон”и билан солиштирса бўладиган бирорта асар йўқ. Китоб муаллиф замонидаги Ҳиндистонда ҳинд маданияти, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти ҳақидаги турли ва

мухим хабарлар манбаидир: бу манба ҳиндшунослик адабиёти соҳасида ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ¹³.

Табиийки, бир мақолада “Ҳиндистон” асаридағи этнографик маълумотларни тұла тавсиф килишнинг имкони йўқ, албатта. Ушбу китоб ниҳоятда этнографик маълумотларга бой булиб, уларни тұлақонли шарҳлаш учун туркум рисолалар яратиш талаб этилади. Ҳиндистон халқи этник тарихи ва этномаданиятини ёритиш учун ушбу асар энг муҳим манбалардан бири десақ, асло муболага бўлмас.

Демакки, жағон цивилизацияси равнақига ўзининг буюк илмий кашфиётлари билан салмоқли ҳисса күшган, Ўрта Осиё биринчи Уйғониш (Ренессанс) даврининг етуқ намояндаси қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асаридағи бой этнографик маълумотлар ҳиндларнинг тарихи ва этномаданиятини теранроқ ўрганиб, янада салмоқли ва тұлақонли илмий-тадқиқотлар яратишида энг қимматли ва ноёб манбалардан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда ҳозирги миллий юксалиш даврида буюк алломанинг илмий асарларини чуқурроқ ва холисона ўрганиш давлат сиёсати даражасига күтарилиди. 2022 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини ҳалқаро миқёсда кенг нишонлаш тұғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ЮНЕСКО шафелигига ўтказиш белгилаб берилди¹⁴.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 211-сессиясида буюк аллома таваллудининг 1050 йиллиги 2022-2023 йилларда кенг нишонланиши бүйича қарор қабул қилинди. Бу масала Париждә булиб үтадиган ЮНЕСКО Бош анжуманининг 41-сессиясида тасдикланды. Айни вактда ушбу юқори мақомдаги қарор ижросини рўёбга чиқариш мақсадида кўзда тутилган комплекс тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

REFERENCES

1. “Халқ сўзи”, 2022 йил 26 август.
2. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 2-жилд (Ҳиндистон). Арабчадан А.Расулов, Ю.Ҳакимжонов, F.Жалилов таржимаси. Сўзбоши ва изоҳлар А.Ирисовники. Масъул муҳаррир F.Жалолов ва А.Ирисов. – Т.: “Фан”, 1965. – Б.158.

¹³ Ахмедов А., Хандамова М. Кўрсатилган асар. – Б.38, 40.

¹⁴ “Халқ сўзи”, 2022 йил 26 август

3. Аҳмедов А., Ҳандамова М. Ҳиндистоннинг ёзилиш даври ва сабаблари. – Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. – Танланган асарлар. II жилд. Арабчадан А.Аҳмедов ва А.Расулов таржимаси. Сўзбоши, таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи А.Аҳмедов, М.Ҳандамова. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2022. – Б.5 – 40.
4. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. 2-нашри. – Т.: “Ўқитувчи”, 2001. – Б.129 – 130.
5. Ирисов А. Беруний ва Ҳиндистон. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1963. – Б.7.
6. Неру Дж. Открытие Индии. – М., 1965. – С.246 – 247.
7. Толстов С.П. Қадимги Хоразм цивилизациясини излаб. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2014. – Б.314 – 315.
8. Тўраев Б. Абу Райҳон Беруний. – Ўзбекистон алломалар юрти. – Т.: “Маънавият”, 2010. – Б.137.
9. Ҳандамова М. Ўрта асрларда Хоразм ва Ҳиндистон илмий муносабатлари (Берунийнинг “Ҳиндистон” асари мисолида). – Хоразм тарихи замонавий тадқиқотларда. – Тошкент – Урганч, 2019. – Б.310.

CONTENTS MUNDARIJA

- 47.** Парниева, Н. Т. (2022). НАТУРФИЛОСОФСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АЛЬ-БЕРУНИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 173-175.
- 48.** Norqulov, D. T., Norqulov, S. D., & Umarova, F. S. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING "SAYDANA" ASARIDA TIBBIYOT VA DORIVOR O, SIMLIKLAR HAQIDA. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 176-180.
- 49.** Norqulov, S. D., Norqulov, D. T., & Umarova, F. A. (2022). JAMIYAT RIVOJINING FALSAFIY ONG BILAN ALOQADORLIGI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 181-183.
- 50.** Otamuratov, S. (2022). ABU RAYXON BERUNIY VA MA'MUN AKADEMIYASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 184-187.
- 51.** Salaev, D. J. (2022). SHARQNING BUYUK QOMUSIY OLIMI AL-BERUNIY ASARLARIDA ADOLATLI DAVLAT VA FOZIL JAMIYAT MASALASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 188-191.
- 52.** Salomova, X. J. (2022). BUYUK MUTAFAKKIR MUHAMMAD IBN AHMAD AL-BERUNIYNING FAN TARAQQIYOTIDAGI BUYUK XIZMATLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 192-194.
- 53.** Nurbaeva, H. B., & O'rolov, M. (2022). MILLIY QADRIYATLAR HAR BIR MILLATNING O'TMISHI, BUGUNI VA KELAJAGI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 195-197.
- 54.** Turaev, B. O. (2022). BERUNIY FALSAFASI O'ZBEKISTON OLIMLARI TALQINIDA. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 198-206.
- 55.** Юлдошев, А. Э. (2022). ИССЛЕДОВАНИЕ ОБ РАСПРОСТРАНЕНИИ ИНТЕГРАЦИИ ПРЕДМЕТОВ ФИЗИКИ И ГЕОФИЗИКИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 207-209.
- 56.** Abdurahmanova, N. H. (2022). BERUNIY ASARLARI TALQINI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 210-212.
- 57.** Yusupova, N. A. (2022). BO'LAJAK TARIX FANI O'QITUVCHISINING SHAXSIY-PEDAGOGIK SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH MODELI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 213-215.

CONTENTS MUNDARIJA

- 58.** Алимова, С. Г. (2022). РАЗВИТИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ В ТРУДАХ АЛЬБЕРУНИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 216-218.
- 59.** Киёсов, Ш. У. (2022). НАУЧНЫЙ ВКЛАД АЛЬ-БЕРУНИ В РАЗВИТИЕ МИРОВОЙ НАУКИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 219-221.
- 60.** Abdullayev, T. B. (2022). BILISH FALSAFASI TARAQQIYOTIDA AL-BERUNIYNING O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 222-224.
- 61.** Akhmedov, J. S. (2022). VIEW OF THE KAMOLIDDIN BEKHZOD IN THE WORKS OF UZBEK FINE ART MASTERS. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 225-228.
- 62.** Jumanova, D. (2022). BADIY USLUBNING LINGVISTIK XUSUSIYATLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 229-233.
- 63.** Daminova, S. F. (2022). KICHIK YOSHDAGI BOLALARING BADIY ADABIYOTGA BO'LGAN QIZIQISHLARINI RIVOJLANIRISHDA OILA VA MAHALLANING O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 234-236.
- 64.** Jabborova, G. T. (2022). TOSHKENT VILOYATI O'LKASHUNOSLIK MUZEYLARI FAOLIYATINING O'RGANILISHI (CHIRCHIQ O'LKASHUNOSLIK MUZEYI MISOLIDA). *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 237-240.
- 65.** Iskandarova, N. X. (2022). ABU RAYHON BERUNIY QARASHLARIDA MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARINI MEHNATGA O'RGATISHNING MOHIYATI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 241-242.
- 66.** Kushbakova, D. A. (2022). MUHAMMAD YUSUF SHE'RIYATI TILI VA USLUBINING O'RGANILISH MASALALARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 243-246.
- 67.** Narmatova, M. T., & Jo'raev, J. J. (2022). ZAMONAVIY, YUKSAK INTELLEKTUAL SALOHIYATGA EGA KADRLAR JAMIYAT BARQAROR RIVOJLANISHINING KAFOLATI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 247-250.
- 68.** Ko'baev, Q., & Mavlonov, B. (2022). AFSONALARING BADIY TALQINI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 251-255.

CONTENTS MUNDARIJA

69. Qurbonov, M. D. (2022). MIRZO SALIMBEKNING RUS DAVLATI TARIXI HAQIDA QARASHLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 256-263.
70. Allaberganov, O. A. (2022). XORAZM VOHASIDAGI IBTIDOY JAMOA TUZUMI DAVRI YODGORLIKARINING ARXEOLOGIK JIHATDAN O'RGANILISH TARIX. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 264-268.
71. Abilov, O. M. (2022). MILLIY G'OYA, MAFKURA VA QADRIYATLAR. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 269-273.
72. Mahamatov, A., & Ergashev, A. (2022). O'RTA MAKTABLARDA ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARINI TASHKIL ETISHNING O'ZIGA XOS JIHATLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 274-276.
73. Жўраев, М. Р. (2022). ИЗУЧЕНИЕ АРХЕОЛОГИЧЕСКОГО ОБЪЕКТА МИНГУРЮКА В ТАШКЕНТЕ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 277-279.
74. Iskandarov, Sh. A. (2022). MARKAZIY OSIYO ARABLAR ETNOMADANIY IDENTIKLIGINING XO'JALIK AN'ANALARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 280-283.
75. Kubaev, K. U., & Sharifov, J. G. (2022). TARIXIY HAQIQAT VA BADIY TALQIN. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 284-289.
76. Asqarova, N. A., & Shavkatova, I. S. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING SAYDANA ASARI-DORIVOR O'SIMLIKAR XAZINASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 290-296.
77. Babayarova, N. D. (2022). BERUNIYNING ILM YO'LII. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 297-300.
78. Alikulova, D. Y., & Abdullayeva, B. X. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING TIBBIYOTGA QO'SHGAN HISSASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 301-302.
79. Bo'riev, I. S. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING GENETIKAGA OID QARASHLARI HAQIDA. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 303-309.
80. Mamatqulova, I. E., & Rasulova, Z. Q. (2022). DORIVOR TIRNOQGUL (SALENDULA OFFICINALIS) O'SIMLIGINING GENETIK TUZILISHI HAMDA DORIVORLIK XUSUSIYATLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 310-312.

CONTENTS MUNDARIJA

-
- 81.** Dustova, G. K. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING "SAYDANA" ASARINING XUSUSIYATLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 313-314.
- 82.** Sayfutdinova, Z. A., & Kurbonova, Z. C. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING JIGAR KASALLIKLARINI DAVOLASHDAGI MASLAXATLARINING ZAMONAVIY TALQINI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 315-316.
- 83.** Kurbonova, Z. C., Nuriddinova, N. F., & Tairova, G. B. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING TIBBIYOTGA QO'SHGAN HISSASINI O'RGANISH. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 317-319.
- 84.** Tairova, G. B., Kurbonova,, Z. C., & Nuriddinova, N. F. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING JIGAR KASALLIKLARI TO'G'RISIDAGI FIKRLARINI TADQIQ QILISH. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 320-322.
- 85.** Ne'matova, M., & Aslanova, M. D. (2022). ABU RAYHON BERUNIY HIKMATLARINING TIBBIYOTDAGI O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 323-326.
- 86.** Nishonov, A. A. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING TIBBIYOTGA QO'SHGAN HISSASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 327-328.
- 87.** Rahmanov, T. O., & Muxammadiyeva, M. M. (2022). ABU RAYXON BERUNIYNING XOZIRGI DAVRGACHA TUTGAN O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 329-330.
- 88.** Sherqo'ziyeva, G. F., Boysariyeva, M., & O'tolova, O. (2022). BERUNIYNING TIBBIYOTDAGI ZAMONDOSHI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 331-334.
- 89.** Sobirjonov, A. Z. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING «SAYDANA» ASARINI FARATSEVTIKADA TUTGAN O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 335-339.
- 90.** Farhodjonov, O. U. (2022). XORAZMLIK BERUNIY VA TIBBIYOT. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 340-347.
- 91.** Xudaykulova, G. K., Abdurashitova, S. A., & Muyassarova, M. M. (2022). ABU RAYHON MUHAMMAD IBN AHMAD BERUNIY ORTA ASRLARNING BUYUK QOMUSIY OLIMI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 348-350.

CONTENTS MUNDARIJA

92. Xudaykulova, G. K., & Djurayeva, N. K. (2022). MUTAKKIR OLIM ABU RAYHON BERUNIYNING ILMIY MADANIY MEROSNING AHAMIYATI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 351-352.
93. Zaynudinova, D. L., & Babadjanova, S. A. (2022). ABU RAYHON BERUNIY – QOMUSIY ALLOMA. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 353-355.
94. Askarova, N. A., & Xalbaeva, D. U. (2022). ABU RAYHON BERUNIY – BUYUK QOMUSIY OLIM. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 356-359.
95. Boboyeva, Z. N. (2022). ABU RAYXON BERUNIY ASARLARINING TIBBIY TA'LIMDAGI AHAMIYATI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 360-361.
96. Asqarova, N. A., & Boymurodova, X. (2022). ABU RAYHON BERUNIYNING PEDAGOGIK - PSIXOLOGIK QARASHLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 362-365.
97. Ne'matova, N. O., Almatova, U. A., & Rustamov, T. G. (2022). ABU RAYHON BERUNIY – O'RTA ASRNING BUYUK QOMUSIY OLIMI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 366-368.
98. Ниёзова, Н., & Худайкулова, Н. (2022). СУЩНОСТЬ И ЗНАЧЕНИЯ КНИГА АБУ РАЙХАН БЕРУНИЙ «МИНЕРОЛОГИЯ» («КИТАБ АЛ-ДЖАМАХИР ФИ МА'РИФАТ АЛДЖАВАХИР»). *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 369-370.
99. Олимжонова, Ф. А., & Кушматова, Д. Э. (2022). ВКЛАД ВЕЛИКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ДРЕВНОСТИ, ОСОБЕННОСТИ АБУ РАЙХАНА БЕРУНИ В РАЗВИТИИ СОЦИАЛЬНО КУЛЬТУРНОГО НАСЛЕДИЯ СОВРЕМЕННОГО УЗБЕКИСТАНА. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 371-372.
100. Olimjonova, F. O., & Kushmatova, D. E. (2022). AL-BIRUNI'S CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF MEDICAL SCIENCE IN UZBEKISTAN. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 373-374.
101. Salomova, F. I., Sharipova, S. A., & O'rolova, O. (2022). ABU ALI IBN SINONING VA ABU RAYHON BERUNIYNING ILMIY MEROSI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 375-377.
102. Махсумов, Ш. М., Зайцева, О. А., & Мамажонова, М. А. (2022). ЗНАЧЕНИЕ АБУ РАЙХАН БЕРУНИ В РАЗВИТИИ ФАРМАКОГНОЗИИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 378-380.

CONTENTS MUNDARIJA

103. Sherqo'ziyeva,, G. F., & Karimov, K. B. (2022). ABU ALI IBN SINONING DORISHUNOSLIKKA QO'SHGAN XISSASI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 381-384.
104. Sherqo'ziyeva, G. F., Egamberdiyeva, Z. Z., & Bahriiddinova, M. N. (2022). IKKI BUYUK DORISHUNOS ALLOMALAR. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 385-387.
105. Eshquvatova, G. O. (2022). ABU RAYHON BERUNIY IJODINING TIBBIYOTDAGI O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 388-390.
106. Raxmonov, A. A. (2022). VIII-IX ASRLARDA ISLOM IQTISODIYOTI NAZARIY-FALSAFIY ASOSLARINING SHAKLLANISHI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 391-394.
107. Chaldbayev, I. (2022). SHAYBONIYLAR DAVRIDA SIYOSIY TARIXI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 395-398.
108. Бўриев, О., Искандаров Ш. & Хўжаёров, А. (2022). АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ "ХИНДИСТОН" АСАРИ НОЁБ ЭТНОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 399-411.
109. Утаев, F. F. (2022). АЖДОДЛАРИМИЗ ТАФАККУРИ ВА БЮОК ДАҲОСИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 412-415.
110. Тураев, Б. О. (2022). БЕРУНИЙ ФАЛСАФАСИ ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ТАЛҚИНИДА. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 416-426.
111. Султанов, О. С. (2022). ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МАЪСУЛИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛЛАРИ ВА ШАРТ-ШАРОИЛЛАРИ. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 427-434.
112. To'xtayeva, S. G. (2022). ABU RAYXON BERUNIYNING FARZAND TARBIYASI HAQIDAGI QARASHLARI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 435-436.
113. Yovqacharova, M. (2022). OILADA FARZAND TARBIYASIDA ABU RAYXON BERUNIY ASARLARINING O'RNI. *The significance of the scientific, cultural heritage of Abu Rayhon Beruni and its role in the development of science*, 3(1), 437-439.